

УЎТ. 632.95:631.95

МУБОРАК ТУМАНИ СУГОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА ҚЎРҒОШИН ЭЛЕМЕНТИНИНГ ТАЪСИРИ

Низамов Собиржон Аълаевич

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти қ.х.ф.ф.д.(PhD)

Рисқиева Хуршида Турсуновна

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти
қ.х.ф.д.

Кўзиев Жохонгир Мадаминович

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти,
қ.х.ф.ф.д.(PhD), к.и.х.

Мирсадиков Миразиз Мирвоҳидович

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти,
к.и.х.

sobirjon_nizamov@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада қўрғошин элементининг Қашқадарё вилояти Муборак туманининг тақир-ўтлоқи ҳамда ўтлоқи тупроқларида тўпланиши, рухсат этилган меъёрлардан ортиб бориши келтирилган.

Калит сўзлар: суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқлар, ўтлоқи тупроқлар, қўрғошин, озиқа занжири, гумус, озиқа моддалар.

АННОТАЦИЯ

В статье приведены данные по накоплению, превышению предельно-допустимых концентраций свинца в такырно-луговых и луговых почвах Мубарекского района Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: орошаемые такырно-луговые почвы, луговые почвы, свинец, трофическая цепь, гумус, питательные элементы.

ABSTRACT

The article presents data on the accumulation, exceeding the maximum permissible concentrations of chromium in takyr-meadow and meadow soils of the Muborak district of Kashkadarya region.

Key words: irrigated takyr-meadow soils, meadow soils, chromium, plumbum, trophic chain, pollutants, pressure, humus, nutrients.

Мавзунинг долзарблиги

Ҳозирга вақтда юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона ва тўғри фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга Республикализ суғориладиган тупроқларида токсик таъсир этувчи токсикантларни трофиқ занжир бўйлаб ҳаракатини камайтириш учун биологик усувлардан фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Ўеспубликасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармонида “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизmlарини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсади” [1] бўйича вазифалар белгилаб берилган. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар токсик таъсир этувчи токсикантларни инсон ҳаётига ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тупроқ таркибида тўпланиб бораётган токсик элементларнинг ҳамда қолдиқ хлорорганик пестицидларнинг миқдорини, токсикантларни тупроқ микроорганизмларига таъсирини аниқлаш, шунингдек, токсикантларни камайтиришга қаратилган ишланмаларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқнинг токсикантлар билан ифлосланиш манбаларига асосан, саноат корхоналари, завод ва фабрикалар, автотранспорт воситалари, турли ёқилғиларнинг ёниш махсулотлари ва чиқинди газлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган химикатлар ва бошқалар ташкил этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналари ишлаб чиқаришинининг атроф-муҳитга, инсон соғлиғи ва турмуш тарзига таъсири жуда тез суръатлар билан шаклланиб, мисли кўрилмаган даражага етди. Саноат корхоналари, хўжалик майший хизмат корхоналаридан чиққан чиқиндилар йиллар давомида тупрокда, сувда ёки атмосфера ҳавосига ҳаракатланиб бир турдан иккинчи турга ўтиб туради. Хусусан, қўрғошин, рух, мишяқ, ваннадий, молибден, кадмий, симоб ва бошқа бир қатор кимёвий элементлар вақт ўтиши билан ўта заҳарли бирикмалар ҳолида тупроққа, сувда ёки ҳавога йиғилиб боради.

Атмосфера таркибида қўрғошин бирикмалари (ҳаво таркибидаги РЕЧК 0,0003 мг/м³ ни ташкил этади) концентрациясининг ортиши эса асаб касалликлари, сийдик айириш, нафас олиш йўлларига катта салбий таъсир кўрсатади. Қўрғошин бирикмалари нафас олиш йўллари орқали организмга кириб бориб, унда қарийб 50 фоиз бирикмалари тўпланади [2].

Битта автомашина ҳавога йил давомида бир килограмгача қўрғошин ажратиб чиқариши мумкин. Ҳозир ер юзида автомобиллар сони 250 миллиондан ҳам ошиб кетганлигини ҳисобга олсан, ҳар йили ер шари қанча миқдор қўрғошин заҳари билан заҳарланаётгани маълум бўлади. Қўрғошиннинг одам қонидаги токсик миқдори миллиондан 0,8 қисмiga тўғри келади, яъни одам овқат билан бир кунда 40 мг қўрғошин олса, демак унинг қонидаги қўрғошин миқдори бир миллиондан 0,4 қисмга кўпаяди.


Қўрғошин чангига тупроқ устига ўтириб, органик моддалар билан бирга тупроққа шимилади, сўнгра тупроқ эритмаси билан тупроқ қатламларига тарқалиши мумкин. Лекин, у тупроқдан ташқарига жуда оз миқдорда чиқариб ташланади. Тупроқда қўрғошин бирикмаларининг кўпайиши микроорганизмлар, айниқса фойдали организмларнинг камситишига олиб келади. Тажрибалардан маълум бўлишича, чириндига бой тупроққа 0,1 ва 0,5% қўрғошин кўшилганда бактериялар колоннасининг ривожланишини 50-75 фоизга камайган. Кадмий элементи жуда оз миқдорда одам қонидаги қанд моддасини бошқариб туриш учун жуда зарур. Бироқ кадмий миқдори меъёрдан ортиб кетса, у қандай бирикмада бўлмасин инсон организимига ўта заҳарлилик қиласи. Кадмий сүякни мўртлаштиради, қон босимини кўтаради, заҳар сифатида жигар ва буйракда тўпланади. Кадмий суперфосфат ўғити ҳамда фунгицидларнинг қўшимча аралашмаси сифатида тупроққа тушади. Кадмий пластмассага мустаҳкамлик яратиш учун қўшилади ва пластмасса ёқиб юборилгандан кейин тутун билан атмосфера ҳавосида пайдо бўлади [3].

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Бунда «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы

агрофизических исследований», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» каби услугий қўлланмалар асосида олиб борилди. Гумус Тюрин усулида, азот Къельдал усулида, умумий шаклдаги фосфор Гинзбург усулида, калий Смитт усулида, ҳаракатчан шакллардаги нитрат азоти ионоселектив усулида, аммоний азот Несслер реактиви билан, фосфор Мачигин усулида, калий оловли фотометрик хроматография усулида, оғир металлар атом-абсорбцион усули билан AAS лампали аппаратида аниқланган.

Тадқиқот натижалари. Муборак туманининг “Гулистон” массиви Қашқадарёning қуий дельтасида жойлашган бўлиб, тупроқлари асосан аллювиал ётқизикларда ҳосил бўлган, енгил қумоқли, ўтлоқи тупроқлардир. Бу тупроқлар ҳар хил механик таркиб ва шўрланиш даражаси билан фарқ қиласидан айирмаларга эга.


Умумий азот 0,068-0,034% ни ташкил қиласиди, ҳар иккала қўрсаткич ҳам пастки горизонтларга қараб камайиб боради. 80 см дан пастки қатламлар томон гумус миқдори 0,200-0,300%, умумий азот миқдори 0,03% атрофидалиги аниқланган. Ушбу тупроқда умумий фосфор миқдори барча қатламларда бир-бира яқин бўлган. Масалан, 0-30 см лик қатламда умумий фосфор миқдори 0,106% бўлиб, пастки 80-100 см қатламда 0,091%, оралиқ горизонтларда умумий фосфор миқдори 0,124-0,100% атрофидада яъни бир оз кўпроқ бўлиши аниқланган [4]. Ушбу тупроқларида қўрғошиннинг ўртача миқдори 0-2 см қатламда 12,1 мг/кг, 2-10 см қатламда 12,6 мг/кг, 10-20 см қатламда ўртача 11,1 мг/кг гача, 20-30 см қатламда 10,6 мг/кг гача, 30-50 см қатламда эса 10,5 мг/кг атрофидада тарқалаган (1-расм).



1-расм. Муборак тумани “Гулистон” массивидаги тупроқларида тарқалган қўрғошиннинг ўртача миқдори (мг/кг)

Муборак тумани “Хитой” массивида суғориладиган тақир-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Бу тупроқлар чўл зонасини Қашкадарё дельтасининг ўрта ва қуий қисмida жойлашган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда унумдорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган гумус миқдори ҳайдов қатlamda 0,828-0,397% атрофида эканлиги аниқланган бўлса, ҳайдов ости қатламида унинг миқдори 0,666-0,328% ораликларда кузатилган. Тупроқнинг ҳайдов қатlamda умумий азот миқдори 0,052% дан 0,038% гача ўзгаради, ҳайдов ости қатламларда унинг миқдори янада камайиб, 0,044-0,032% атрофида эканлиги кузатилди. Гумус, азот ва умумий фосфор ҳам ҳайдов қатlamdan пастки қатламлар сари камайиб боради. Ушбу тупроқларида қўрғошиннинг ўртача миқдори 0-2 см қатlamda 6,6 мг/кг, 2-10 см қатlamda 6,3 мг/кг, 10-20 см қатlamda ўртача 5,6 мг/кг гача, 20-30 см қатlamda 5,3 мг/кг гача, 30-50 см қатlamda эса, 5,0 мг/кг миқдорларда пастки қатlam томон нисбатан камайиб боради, шу билан бирга суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларда ҳам қўрғошиннинг юқоридан пастки қатlam томон нисбатан камайиб бориши кузатилди (2-расм).



2-расм. Муборак тумани “Хитой” массивидаги тупроқларида тарқалган қўрғошиннинг ўртача миқдори (мг/кг)

Суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларда (жами 5 та кесма олинган) гумус миқдори ҳайдов қатламлардаги ўртача 0,837-0,549%, жуда кам таъминланганларда эса 0,417-0,417% атрофида эканлиги аниқланган бўлса, ҳайдов ости қатламида унинг миқдори 0,645-0,366% гача оралиқда эканлиги кузатилган. Ушбу тупроқнинг умумий азот миқдори ҳайдов қатlamda 0,070% дан 0,032% гача ўзгаради, ҳайдов ости қатламларда унинг миқдори янада камайиб, 0,044-0,031% атрофида эканлиги кузатилган. Умумий фосфор миқдори ҳайдов қатlamda 0,138-102% бўлиб, ҳайдов ости қатламларида 0,132-0,094%

ораликларда эканлиги аниқланиб, бу тупроқларда кўрғошиннинг ўртача миқдори 0-2 см қатlamда 8,0 мг/кг, 2-10 см қатlamда 7,8 мг/кг, 10-20 см қатlamда ўртача 7,8 мг/кг гача, 20-30 см қатlamда 7,7 мг/кг гача, 30-50 см қатlamда эса 7,2мг/кг миқдорларда эканлиги қайд этилган [5].

Қашқадарё вилояти Муборак туманида тарқалган тақир-ўтлоқи ҳамда ўтлоқи тупроқларда кўрғошин элементининг юқоридан пастки қатlam томон нисбатан камайиб бориши кузатилди, бу эса элементнинг антропоген омиллар таъсири натижасида тупроқларда тўпланишидан далолат беради. Атмосфера ҳавосига ажralаётган заҳарли газларнинг шамол ва унинг йўналиши бўйлаб тарқалиши, металларнинг саноат корхоналари атрофидаги тупроқларда тўпланишига ҳамда уларнинг физик-кимёвий хусусиятларига ҳам катта таъсир кўrsatiшидан даолат беради. Бугунги кунда ишлаб чиқариш қўламишининг ортиши натижасида атроф муҳитнинг токсик элементлар билан жадал суратларда ифлосланиши ҳамда уларнинг қуйидаги занжир бўйича тупроқ таркибида тўпланишини кузатиш мумкин: атмосфера ҳавоси ↔ тупроқ ↔ сув ↔ ўсимлик ↔ ҳайвон ↔ инсон организми. Натижада ушбу биологик занжирнинг саноат чиқндилари таркибидаги токсик элементлар билан заарланишига олиб келмоқда.

ХУЛОСА

Ўрганилган худуд сугориладиган тупроқлари кўрғошиннинг ҳаракатчан шакллари билан турли даражада ифлосланган бўлиб, энг юқори ифлосланиш Гулистон массивда тарқалган сугориладиган ўтлоқи тупроқларда рухsat этилган миқдордан юқори эканлиги аниқланди. Бу эса тупроқларнинг унумдорлигига таъсир этиб, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини пасайиши ҳамда уларнинг сифатини ёмонлашишига олиб келади. Заҳарли кимёвий бирикмаларнинг трофик занжир бўйлаб ҳаракатланиши эса, инсон саломатлигига салбий таъсир кўrsатади.

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқндилар таркибидаги кўрғошин биосферадаги барча қобиқларга ўз салбий таъсирини кўrsатиб, биогеоценоз ва биоценоз қисқаришига, ҳатто йўқолишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Шунинг учун саноат корхоналарига янги, замонавий, кам чиқндили технологияларни олиб кириш ҳамда атроф-муҳитга чиқадиган чиқндиларнинг камайишига ҳаракат қилиб тоза экологик шароитни яратишимиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

2. Очилова М. Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга таъсири. 06.12.2019 й. <http://qashqadaryoyz.uz>
3. Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 10 | 2021 ISSN: Uzbekistan 195 www.ares.uz
4. Рискиева Х.Т., Низамов С.А., Каримов Х.Н., Мирсодиқов М.М. Муборак тумани сугориладиган тупроқларининг экологик ҳолати // Ўзбекистон замини илмий-амалий ва инновацион журнал. 2021 йил 3-сон. 17-20 бет.
5. Низамов С. А. “Саҳро минтақаси сугориладиган тупроқларида токсикантларнинг тарқалиши ва уларнинг заҳарли таъсирини камайтириш йўллари” (Қашқадарё ҳавзаси қўйи қисми тупроқлари мисолида) қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент. 2020 й. 45 б.